

2024 йил 25 октябрдаги
жума тезисига илова

Муҳим тадбирда фаол бўлайлик!

Хурматли жамоат! Маълумки, мамлакатимиз ҳаётида муҳим тадбир – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатларининг сайлови 2024 йил 27 октябрь куни бўлиб ўтади. Мана шундай сайловларда эзгу ният ва яхшиликда ҳамкорлик қилиб, муносиб номзодларни сайлаб олишда фаол иштирок этишимиз керак бўлади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда мўмин-мусулмонларни мақтаб:

وَأَمْرُهُمْ شُورَىٰ بَيْنَهُمْ

“Уларнинг ишлари ўзаро маслаҳат (билан) бўлур”, – дея марҳамат қилган (Шўро сураси 38-оят). Ислом уламолари сайлаш ва сайланиш фаолияти шариатга мувофиқ амал эканига ушбу ояти карима далил эканини қайд этадилар. Яъни, дунёвий масалаларда мусулмонларга ўзаро маслаҳат қилиш буюрилган. Сайлов эса айнан мана шу маслаҳатнинг бир шакли ҳисобланади.

Ислом – фақат ибодат эмас, балки мусулмонларнинг ҳаёт тарзи ҳамdir! Мусулмонлар ҳаётнинг барча соҳаларида олдинги сафларда бўлишга ҳаракат қилишлари лозим. Бунинг учун давлат ва жамиятни тараққиётга етаклаб бора оладиган, одамларни, шу жумладан мусулмонларни ҳаётини яхши томонга ўзгартира оладиган илм-маърифатли, доно ва халқпарвар кадрларни танлаш ва сайлаб олиш – ўта муҳим масаладир.

Сайловчи киши номзод танлашда бор билим-тажрибасини ишга солиш баробарида, ўта холис бўлиши, шахсий манфаатларни устун қўймаслиги лозим.

Замонамиз уламолари сайлов ҳар бир фуқаронинг хукуки бўлиб, агар шу йўл билан мусулмон киши ўз дини ва жамияти учун зарур бўлган ишни амалга ошириб, яхшиликни жалб қиласиган бўлса, бу иш ҳолатга қараб, вожиб даражасида бўлиши ҳам мумкин, дейдилар.

Шундай экан, ўзаро маслаҳат билан иш юритиш, яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтариш – Ислом қоидаларидан биридир!



Умматга раҳбар ва вакиллар сайлашда иштирок этиш шариатимизда ҳам, амалдаги қонунларимизда ҳам буюрилган экан, демак сайловда иштирок этиб ушбу вазифани адо этишимиз зарур!

Фатво ва тадқиқотлар бўйича Европа кенгаси айнан сайловга доир масалада шундай фатво эълон қилган: “...Мусулмонларнинг сайловларда иштирок этиши – фуқаролик ҳуқуқларидир. Бундан ташқари жамият учун яхшиликни жалб этиши ва зарарни даф этиши бўйича ҳамкорлик қилиши ҳам уларнинг диний мајсбуриятларидир. Аллоҳ таоло айтади: “(Эй мўминлар), сизлар яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва ҳаддан ошии йўлида ҳамкорлик қилмангиз!” (Моида сураси 2-оят).

Шунинг учун ҳам мусулмонларнинг сайловларда иштирок этиши мумкин ва бунда шариат жиҳатидан ҳеч қандай таъқиқ йўқ, деб айта оламиз. Айни вақтда сайловда овоз бериш – мусулмонларнинг номзодлар билан ўзаро манфаат асосидаги ҳамкорлигининг бир тури ҳамдир. Улар ғалаба қозонган тақдирда жамият учун омматан ва мусулмонлар учун хоссатан фойда келтиради”.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб, комили ишонч билан хulosа бериш мумкинки, сайлов **Ислом дини аҳкомларида мақулланган тадбир ва у Исломдага “шўро” (маслаҳат, кенгаш) маъносига мос келади**.

Аллоҳ таоло барчаларимизни Ўзи ҳақда событ қилсин ва эл-юрт манфаати йўлида қўлни-қўлга бериб, имконимиз доирасидаги яхши ишларни амалга ошириб, икки дунё яхшилигига эришишимизни насиб айласин! Омин!

